



## Собитқадам қил (Сўфи Оллоёр)



Илохи, бандани сохиб надам қил,  
Сироти шаръ уза собит қадам қил.

Хидоят пирига топшур кўлумни,  
Иноят кўйига кенг қил йўлимни.

Маосий лойига тойдурма пойим,  
Бихишти магфиратни айла жойим.

Агар чандики бехаддур гунохим,  
Саломат кил хатарлардан, Илохим.

Карамлик Подшохо, кирдикоро,  
Рахимо, магфиратлик Биру Боро.

Агарчи сони йўк исён килибмиз,  
Умид улки сани Вохид билибмиз.

Илохо, бирлигингни хурматидин,  
Саломат кил у кўпрук меҳнатидин.

Шарх:

Ё Аллохим! Ожиз бандаларингни гунохларга бепарво бўлишликдан, Сенинг хайбатингни, охираат кундаги сўрогингни унутишдан ан Ўзинг асра. Хатоларга иушаймонлик ик, кўркув ва умид хиссини калблардан айирма. Дўзах алангаси устида тортилган, киличдан ўтқир, сирот кўприги узра собит кадам ташламок Сендан кўркканлар, раҳматингдан умидворларгагина насиб килур. Ё Тангрим, хидоят йўлида бардавом айла. Солих бандаларинг каторидан кил. Раҳм-шафкат, лутфу карамингдан баҳраманд эт. Гунох боткогига оёғимни тойдирма. Магфират кил, жойимни жаннатдан ато айла. Банда борки, гунохдан холи эмас. Менинг ҳам гунохларим бехад. Тавбамни ижобат айла. Адашганлар йўлини мендан бегона кил. Ё карам ва раҳмат эгаси, биру бор Худойим! Кечирмоклик ва улуг саховат факат Сенинг хузурингдадир. Бандалик юзасидан килган исёнларимиз сон-саноксиз бўлса-да, ожизона умидимиз Сени яккаю ягона билганимиздан. Бизни мусулмон холимизда яратдинг, мусулмон бўлиб ўлишимизни насиб эт. Кечирилмас гунох — ширкдан Ўзинг асра! Ё Илохо! Биру борлигинг, азалийлигинг ва буюклигинг ҳақки хурмати дўзахинг азобидан Ўзинг сакла, сирот машаккати биздан бегона кил.

Раҳматуллох Носирнинг  
"Соз билан суҳбат" китобидан